

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ
ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» кафедраси

**СПОРТДА МАТЕМАТИК ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ
ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ**

Иқтидорли талабалар
илмий-амалий анжуман
материаллари

ТЎПЛАМИ

2018 йил 15 февраль

5	Иноятлов Б.Б	Планирование учебно-тренировочного процесса по физической подготовке курсантов и слушателей Академии МВД Республики Узбекистан специализирующихся по самбо	201
6	Шайимарданов Ш.А Шайимарданов Ш.А	Спорт талантини эрта аниқлашнинг замонавий назарияси ва услубиятининг долзарб муаммолари	204
7	Расулов Қ. Шайимарданов Ш.А	Спорт сараловида соматик ривожланишни аниқлаш услубияти	206
8	Абдурахимова О.О Шарофиддинов Н	Ўргатиш давомида келажаги бор футболчиларни танлаб олиш	210
9	Абдурахимова О.О Рахмонбердиев Б	Ёш футболчиларни танлаш ва машғулотларни ташкил этиш методикаси.	213
10	Yuldasheva J.M Chuliev S.I	Tezkorlikni rivojlantirish metodikasi	217
11	Yuldasheva J.M Chuliev S.I	Kuch va uni rivojlantirish	219
12	Туропова Н.Р Ибрагимова С.Б	Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш мазмуни	222
13	Анормухаммедова Д Ибрагимова С.Б	Kuch va uni rivojdantirishda zamonaviy pedagogic texnologiyadan foydalanish	225
14	Ahmadxo'jaeva A.M	Ta'lim-tarbiya jarayonida milliy xalq o'yinlari vositasida sog'lom turmush tarzini shakllantirish	228
15	Ahmadxo'jaeva A.M Abdullaev B	Pedagogik innovatsiya mezonlari haqida	232
16	Казоқов Р.Т	Касбий малакавий тузилмада ишчи кадрларнинг ўзгариши. Ишчилар ихтисослигини таҳлил қилиш методикаси	234
17	Казоқов Р.Т	Кенг тармоқли ва юқори малакали ишчилар ҳақида тушунча	238
18	Казоқов Р.Т	Ходимлар олий таълими	241

XXI асрга келиб, янги техника ва технологияларнинг жадал суръатларда ўсиб бораётганлиги, ҳозирги кунда замонавий ахборот технологиялари айниқса, ҳалқаро интернет тизимининг бутун дунёни қамраб олаётганлиги, мамлакатимизга чет эл сармояси орқали ривожланган мамлакатларнинг импорт асбоб-ускуналарини кириб келаётганлиги, шунингдек корхона ва ташкилотларда янги талаблар асосида бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимларини такомиллаштириш зарурияти кабилар етук малакали мутахассислар тайёрлашни талаб қилмоқда ва бошқалар.

Шундай қилиб, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини жаҳон талаблари даражасида амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида бундай стратегияда биринчи навбатда, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро интеграциялашувни янада чуқурлаштириш масаласига асосий эътибор қаратилиши керак. Шундай бўлгандагина республикаимизда иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш тизимидаги сифат критериясини кутилган даражада ривожлантириш имконияти юзага келади. Бу эса, мамлакатимиз корхона ва ташкилотларидаги иқтисодий ва ижтимоий самарадорликка эришишни, мос равишда мамлакат макроиқтисодий ўсишига эришишни таъминлайди.

Ходимлар олий таълими.

Казоков Р.Т., ЎзДЖТИ., Катта ўқитувчи

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: – «мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамиятни қуриш, илоҳотларнинг тақдири қандай интеллектуал кучларга эгалигимизга, ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқдир. Шу боис, аҳолининг маълумот олиш имкониятини ошириш, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир».

Бугунги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кишиларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилади. Чет элларда уларни ташкил қилишда махсус ўргатувчи ташкилотлар иштирок этади (масалан, бизнес мактаби, малака ошириш факультети, бошқарув университети). Ҳозирги кунда чет эл ва мамлакатимиз олим ва мутахассислари ёрдамида ишлаб чиқилган тадбиркорлик бўйича янги ўқув дастурлари кенг қўлланилмоқда.

Йўналиш бўйича ўқув дастурлари қуйидагиларга бўлинади:

- бошланғич ўқиш дастурлари;
- тадбиркорлик ишини комплекс ўқишини таъминлаб берувчи дастурлар ва унинг алоҳида томонларини ўргатувчи дастурлар (масалан, маркетинг, банк иши, қимматбаҳо қоғозлар);

- бошқарув фаолиятини ўрганиш дастурлари ва мутахассисни ўқитувчи дастурлар ўқиш дастурини вақтинчалик омили бўйича қисқа ва узок муддатга бўлинади.

Ўқишнинг кўламига қараб қуйидаги дастурлардан фойдаланилади:

1. Доимий тавсифга эга дастурлар, кўпинча тўғри ёки қисман ўқиш дастури ҳисобланади. Уларга тадбиркорларни ўқитиш дастурлари қиради.

2. Малакани ошириш дастурлари чет элларда кенг тарқалгандек, бизнинг республикамизда ҳам кенг тарқалмоқда.

Кичик бизнес ҳам бошқа фаолият каби, доимо ишчиларни ўқитишни талаб қилади. Бу жараён кадрларни сифатини ва ривожланишини таъминлайди.

Ўқиш – бу одамнинг фундаментал билим олиш жараёнидир. Аслида, у мактабларда, коллежларда, институтларда, университетларда ёки бошқа жойларда амалга ошади. Ислохотлар ўқишнинг турларига таъсир қилади. Олий маълумот очик, демократик бўлади. Олий маълумотни ривожлантиришнинг бошқа кўриниши – бу олий ва ўрта махсус ўқишни интеграция қилишдир.

Олий маълумот ислохоти ўз ичига қуйидаги йўналишларни олади:

1. Янги такомиллашган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, замонавий мутахассисларни тайёрлашда халқаро ўқиш жараёнини ташкил қилиш.

2. Аудитория дарслари ва мустақил ишлар орасидаги ўқув вақтини энг қулай тарзда тақсимлаш ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги мутахассислари иштирокида «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим концепцияси» ишлаб чиқилган. Бу концепцияда узлуксиз иқтисодий таълимни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари белгилаб қўйилган бўлиб, улар иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашнинг ва умумий иқтисодий таълимнинг жаҳон андозаларига мос келади. Узлуксиз иқтисодий таълим концепциясини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган таълим андозаларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлашдир.

Концепция Халқаро стандарт таълим классификацияси ва Халқаро стандарт касб классификацияси қоидалари асосида ишлаб чиқилган. Концепция яратилишидан аввал кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилди. Бунда иқтисодий таълим бўйича жаҳон тизими, айниқса АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония ва Россия таълим тизими тажрибаси ўрганилди ва умумлаштирилди. Умуман олганда, таклиф этилган концепция асосан иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашнинг Инглизча-Америкача тизимига таянади. Аммо унда, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, ўтиш даври, иқтисодий таълим босқичлари ва даражаларига бевосита таъсир кўрсатадиган хўжалик юритиш тизими ҳисобга олинган.

Узлуксиз иқтисодий таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш концепциянинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бу қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- узлуксиз иқтисодий таълим тизимини жаҳон таълим тизими билан ўзаро уйғунлаштириш;

- иқтисодчи мутахассислар билим даражасини халқаро миқёсда рақобатбардошлигига эришиш;

- дунёнинг етакчи мутахассислари ва таълим технологияларини мамлакатимизда иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимига жалб этиш;

- иқтисодчи мутахассисларнинг бакалаврлик ва магистрлик дипломларини халқаро даражада тан олинishiга эришиш ва бошқалар.

Бу жараёнда бўлажак иқтисодчи мутахассисларни хорижий тилларга, асосан инглиз тилига ўргатиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалари мунтазам равишда кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган бугунги кунда бу ҳаётий заруриятга айланди.

Ҳозирги кунда Республикада иқтисодий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида нуфузли халқаро ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва жамғармалар билан фаол ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Истеъдод» жамғармасини тузиш ва Президент грантларини жорий этиш тўғрисидаги Фармони қобилиятли ёшларимизни хорижнинг энг нуфузли ўқув юртларида чуқур билим олишларига катта имкониятлар яратди. «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини бошлаган 2000 йилдан то ҳозирга қадар бир нечта юзлаб иқтисодчи мутахассислар АҚШ, Буюк Британия, Япония каби давлатларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларида ўзларидаги етук малака ва жаҳон андозаларига мос келувчи билим даражалари билан фаол иштирок этиб келишмоқда. Ёшлар хориж ҳаётини кўриб, халқаро ҳаётий тажриба орттириб, чет тилларини мукамал эгаллаб, замонавий бакалаврлик ва магистрлик даражасига республикаимизнинг турли босқичдаги педагог кадрлар хорижий таълим марказларида тажриба ва малака орттириб келмоқдалар. Бундай ёндашувлар ҳам Ўзбекистон таълим тизимининг ёрқин истиқболига ва унинг мавқеини оширишга хизмат қилади.

Таълимнинг моддий техникавий асосини ривожлантиришга ҳам шахсан Президентимизнинг ўзлари, ҳукуватимиз ҳам катта эътибор бермоқда. 1999 йил октябр ойида Давлатимиз раҳбарининг Жанубий Корея республикасига қилган сафари пайтида Корея Эксим банки Ўзбекистонда академик лицей ва коллежларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш лойиҳасини ижроси учун 35 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратди. Шунингдек, Европа иттифоқининг ТАСИС дастури асосида «Ўзбекистонда менежментни ўқитиш», «Ўтиш даврида узлуксиз таълим ва меҳнат бозорини шакллантириш» ва бошқа шу каби халқаро лойиҳаларида Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети фаол иштирок этиб келмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг кўп укладлилиги кенг қамровли иқтисодий муаммолар бўйича чуқур билимга эга бўлган иқтисодчи мутахассисларга талабнинг кун сайин ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Шундай экан, макроиқтисодиёт ва давлат бошқарувчи бўйича